

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЧИЛОВ ИЗЗАТ ТУЛКИНОВИЧ

ОБЪЕКТ ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ВА
УНИНГ КВАЛИФИКАЦИЯДАГИ АҲАМИЯТИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ачилов Иzzат Тулкинович

Объект жиноят таркибининг элементи сифатида ва унинг
квалификациядаги аҳамияти.....3

Ачилов Иzzат Тулкинович

Объект как элемент состава преступления и его значение для
квалификации.....23

Achilov Izzat Tulkinovich

The object as an element of the corpus delicti and its significance for
qualification.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЧИЛОВ ИЗЗАТ ТУЛКИНОВИЧ

ОБЪЕКТ ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ВА
УНИНГ КВАЛИФИКАЦИЯДАГИ АҲАМИЯТИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Yu202 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зуфаров Рустам Аҳмедович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Кабулов Рустам юридик фанлар доктори, профессор Палванов Марат Биёмбетович юридик фанлар номзоди
Ётақчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “29” март куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.:(99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1037-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил “10” мартда тарқатилди.

(2022 йил “10” мартдаги «3» рақамли реестр баённомаси).



Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

М.М.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

М.Қ.Ўразалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида жиноятлар учун тўғри ва адолатли жазо механизмларининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилади, бу содир этилган жиноий қилмиш таркибининг чуқур таҳлил қилинишини тақозо этади. Жиноятга тўғри баҳо бериш жиноятнинг объекти деб юритиладиган жиноий-ҳуқуқий муҳофаза этиладиган энг муҳим ижтимоий муносабатларни аниқлашни талаб қилади. Жиноят ҳуқуқининг анъанавий доктринасига кўра, объект ҳар доим жиноят таркибининг мажбурий белгиси ҳисобланади ва унинг йўқлиги жиноятнинг йўқлигини англатади. Жиноят таркиби, хусусан жиноят объектини аниқлашдаги хатолар жиноятларни нотўғри квалификация қилинишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, шахсга адолатсиз жазо тайинлашга сабаб бўлади. WJP Rule of Law Indexнинг маълумотларига кўра 139 мамлакатдан 86 тасининг жиноий одил судлов сифатига оид кўрсаткичлари 0,5 ва ундан кам бўлиб, бу суд хатоларидан, қилмишларнинг нотўғри квалификация қилинганлигидан далолат беради¹.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш асосларини, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этиш, жиноятларни тўғри баҳолашга оид илмий ёндашувларни ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жиноят ҳуқуқи фанининг замонавий тенденциялари ҳам қилмишни жиноий деб тан олиш асосларини ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, жиноят объекти муаммоларини ўрганиш жиноят ҳуқуқи фанида жуда муҳим аҳамият касб этади. Айнан объект унга тажовуз қилувчи қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодалайди, объектга етказилган зарар миқдори қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашнинг асосий мезони ҳисобланади. Объектни аниқлаш қилмишни жиноят сифатида квалификация қилишда зарурий шарт ҳисобланади.

Мамлакатимизда жиноятларни тўғри квалификация қилишни таъминлаш ва жиноий жавобгарлик тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш” қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди². Бироқ, суд амалиёти қилмишларни квалификация қилишда муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судларининг юқори инстанцияларида нотўғри квалификация

¹ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors/2021/Criminal%20Justice/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

сабабли 2018 йилда 2 минг 345 нафар, 2019 йилда 2 минг 954 нафар, 2020 йилда 2 минг 509 нафар, 2021 йилнинг олти ойида 1 минг 753 нафар шахсга нисбатан ҳукмлар қайта кўриб чиқилган ва ўзгартирилган¹. Бу рақамлар жиноятни тўғри квалификация қилишнинг, жиноят объектини тўғри аниқлашнинг муҳимлигини яққол кўрсатмоқда, бинобарин мазкур соҳани ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти Жиноят кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарорлари ва ушбу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят объекти масалалари, жиноят объектининг қилмишларни квалификация қилишдаги аҳамияти мамлакатимизда етарли даражада ўрганилмаган. Жиноят объектининг умумий жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг олимлари Ш.Ё.Абдуқодиров, Қ.Р.Абдурасулова, Х.М.Абзалова, Б.Ж.Ахраров, П.Б.Бакунов, Р.А.Зуфаров, Р.Кабулов, М.М.Кадиров, О.М.Махкамов, А.А.Мирзаев, У.Мирзаев, С.Найимов, С.Ниёзова, Х.Р.Очилов, М.Раджабова, М.Х.Рустамбаев, Н.С.Салаев, Э.Турғунбоев, М.Усмоналиев, А.С.Якубовларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари МДХ мамлакатлари олимлари Л.Д.Гаухман, М.В.Грамматчиков, А.Э.Жалинский, Н.И.Загородников, И.А.Клепицкий, Г.П.Новоселов, Е.В.Пономаренко, А.К.Романов, В.Я.Таций, И.А.Фаргиев, П.Янилар томонидан ўрганилган.

Хорижий жиноят ҳуқуқи фанида жиноят объектининг тадқиқи ва жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари М.Coester, E.Marks, A.Mejer, R.Linsenn каби олимлар томонидан ўрганилган².

Ушбу мавзунинг ҳар томонлама ўрганиш, амалиётда юзага келаётган айрим муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти билан бирга, ушбу соҳани

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маълумотлари (манба: <https://stat.sud.uz/>).

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва “Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари” илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят объекти масаласини, унинг ўзига хос жиҳатларини, таснифланишини комплекс таҳлил қилиш, жиноятларни тўғри квалификация қилишда жиноят объектининг назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатиш, тадқиқ этилаётган мавзуга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани, суд-тергов амалиётини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят объекти тушунчасини назарий ўрганиш ва унинг жиноят таркибидаги ўрнини таҳлил қилиш;

жиноят объектининг белгиларини ўрганиш ва уларни таснифлаш;

жиноят предметини ва унинг жиноятларнинг квалификациясига таъсирини ўрганиш;

жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси ва унга жиноят объекти таъсирининг таҳлилин аналга ошириш;

шахсга, тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларни тажовуз объекти бўйича квалификация қилиш масалаларини тадқиқ этиш;

иқтисодиёт ва экология соҳасидаги жиноятларни тажовуз объекти бўйича квалификация қилиш масаласининг таҳлили;

ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларни тажовуз объекти бўйича квалификация қилиш масалаларини ёритиш;

ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни тажовуз объекти бўйича квалификация қилиш хусусиятларини аниқлаш;

бир неча объектлардан иборат жиноятларни квалификация қилиш муаммолари таҳлили;

жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида ҳамда жиноятлар мажмуида жиноятларни квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектини жиноят қонунчилиги билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар тизими, шунингдек, жиноят объектига қараб жиноятларни квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини жиноят объекти масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, амалдаги қонунчилик ва хорижий мамлакатлар тажрибаси, шунингдек, жиноят-ҳуқуқий фандаги концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини ёзишда тарихий,

тизимлилик, мантикий (таҳлил ва синтез), қиёсий-ҳуқуқий, статистик, шунингдек, ижтимоий сўровлар, жиноят таркиби объекти юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат ижрочиси иш юритувидаги суд ҳужжатининг ўз муддатида ижро этилишини таъминлаш чорасининг кўрмаслиги суд ҳужжатини ижро этмаслик ҳисобланмаслиги, балки жиноят объектдан келиб чиқиб бошқарув тартибига қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши асосланган;

руҳий ҳолат ёки соғлиқнинг бузилиши жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти эканлиги ҳамда қасддан баданга оғир шикаст етказишда оқибат сифатида кўрилиши асослаб берилган;

тиланчилик қилиш жиноятнинг турдош объекти хусусиятларига кўра оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар қаторига кириши исботланган;

жамоат хавфсизлиги жиноят объекти сифатида шахс, жамият ва давлатнинг жиноятлар ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишлардан ҳимояланганлик даражасини аниқлаштириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жиноятнинг объекти ва предмети тушунчалари такомиллаштирилди ва аниқлаштирилди;

жиноят объектининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;

жиноят объектининг қилмишни квалификация қилишга таъсирини ҳисобга олиш ва кўрсатиш зарурлиги исботланди;

жиноят объектини тўғри аниқлашни ҳисобга олган ҳолда квалификация қилиш қоидалари ишлаб чиқилди;

айрим жиноят таркибларининг объекти ва предметига аниқлик киритиш борасида Ўзбекистон Республикаси ЖКга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси ЖКга Жиноят кодекси нормаларини шарҳлаш ва қўллаш қоидалари тўғрисидаги нормани киритиш таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормаларини, хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилишга асосланган, шунингдек, 217 ҳукм, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш шаклидаги ижтимоий тадқиқотлар орқали асосланган, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар синовдан ўтказилган, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган.

2010-2020 йиллар давридаги 410 дан ортиқ жиноят ишлари таҳлил қилинди. Илмий ишни ёзиш чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва мутахассислар фикрини ўрганиш ҳамда жиноятларни тўғри квалификация қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун суд-тергов амалиётининг 85 нафар ходими ва 76 нафар профессор-ўқитувчилар орасида

сўров ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ушбу тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган қоидалар жиноят ҳуқуқи доктринасининг ривожланишига маълум ҳисса қўшади. Илмий тадқиқот асосида ишлаб чиқилган ҳулосалардан илмий тадқиқотларни амалга оширишда, олий юридик ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология бўйича машғулотларда ҳамда услубий тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти жиноятларни квалификация қилиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоидалар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларини ишлаб чиқишда, суд-тергов ходимларининг жиноятларни квалификация қилиш ва ҳукм чиқариш бўйича амалий фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят объектини ва унинг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамиятини тадқиқ этиш натижалари асосида:

давлат ижрочиси иш юритувидаги суд ҳужжатининг ўз муддатида ижро этилишини таъминлаш чораси кўрилмаслиги суд ҳужжатини ижро этмаслик ҳисобланмаслиги, балки жиноят объектдан келиб чиқиб бошқарув тартибига қарши жиноят сифатида квалификация қилинишига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2009 йил 10 августдаги 7-сон қарорининг 11-бандида ақс этган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 19 сентябрдаги 01/Х-755-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф суд ҳужжатини ижро этиш бўйича чораларни давлат ижрочиси томонидан кўрилмаслиги кўринишидаги жиноятнинг объектини аниқ белгилашга хизмат қилган;

руҳий ҳолат ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашиши жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти ҳамда қасддан баданга оғир шикаст етказишда оқибат сифатида кўрилишига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2019 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ–567-сон Қонуни 2-моддасининг 12-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 17 июндаги 5/4-17-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қасддан баданга оғир шикаст етказишда тажовуз объекти ва оқибатни аниқлашга хизмат қилган;

тиланчилик қилиш жиноятнинг турдош объекти хусусиятларига кўра оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар қаторига киришига оид

таклиф Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ЎРҚ–514-сон Қонуни 1-моддасининг 3-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 17 июндаги 5/4-17-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши тиланчилик қилишнинг ёшларга, оилага ва ахлоққа қарши жиноят сифатида тан олинishiга хизмат қилди;

жамоат хавфсизлиги жиноят объекти сифатида жиноятлар ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишлардан ҳимояланганлик ҳолатини англантишига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 31 майдаги 91-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бозорлар ва савдо ярмаркалари ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўриқнома” 1-бандининг 4-хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 14 июлдаги 26/2001-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф жамоат хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида аниқ белгиланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, жумладан, 4 та мақола (1 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олувчи учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Жиноят объекти ва жиноятларни квалификация қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган

биринчи бобида жиноят объекти ва унинг жиноят таркибидаги ўрни, жиноят объектининг белгилари ва таснифи, жиноятни квалификация қилишда жиноят объектининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Жиноят объекти жиноят таркибининг тўрт элементидан бири бўлиб, улар орасида муҳим аҳамиятга эга. Диссертацияда ушбу хулоса қуйидаги қоидаларга асосланган:

биринчидан, жиноят таркибининг юридик таҳлилида, шунингдек, жиноятларни квалификация қилишда жиноий тажовуз объекти жиноят таркибининг жиноий элементлари “тўртлиги”да етакчи ўрин эгаллайди;

иккинчидан, жиноятнинг объекти жиноий қилмишларни фарқлаш учун асос ҳисобланади;

учинчидан, жиноятнинг объекти жиноятларни бошқа жиноятлар ва жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлмаган ҳуқуқбузарликлар билан таққослаш ва улардан фарқлаш имконини беради.

Жиноят объекти жиноят таркибининг асосий элементи сифатида уни бошқа тегишли элементлардан ва тушунчалардан ажратиб турадиган бир қатор хусусиятларга эга. Жиноят объектининг белгилари қуйидагилардан иборат: жиноятнинг асосий объекти сифатида ижтимоий муносабатлар, жиноят предмети ва жиноят қурбони бўлган шахс – яъни жабрланувчи.

Диссертацияда таъкидланишича, жиноят объекти тушунчасини аниқлаш учун асос сифатида жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракатларнинг моҳияти ва йўналиши масаласини қабул қилиш зарурати асосида олимлар жиноят объекти деб қуйидагиларни ҳисоблашади: ижтимоий муносабатлар, шахс (одамлар), инсон ҳуқуқлари, муайян жамоат ҳуқуқий манфаатлари ёки жамоат хавфсизлиги.

Муаллифнинг фикрича, жиноят объекти тушунчасини қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқ:

“ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИ – ижтимоий муносабат ёки унинг қисми бўлиб, унга ижтимоий хавfli тусга эга жиноий қилмиш тажовузи натижасида зарар етказилади ёки ҳақиқий зарар етказилиши таҳдиди вужудга келади”.

Жиноят объекти сифатида эътироф этилган ижтимоий муносабатларни фарқлаш, уларнинг моҳиятини очиш, уларни бошқа жиноят-ҳуқуқий тоифаларга нисбатан белгилаш ва ниҳоят, жиноят объектига етказилган зарарнинг хусусиятини аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади:

1) жиноят объекти сифатида тан олинган ижтимоий муносабатлар жамиятда шаклланган қадрият мезонини, асосларини назарда тутлади. Жиноят қонунида назарда тутилган объектларни муҳофаза қилиш қанчалик кучли эканлигига қараб жамият учун биринчи даражали энг муҳим аҳамиятга эга ижтимоий муносабатларни билиб олиш мумкин. Бу кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилувчи нормалар кетма-кетлиги билан боғлиқ. Хусусан, қонунчилик ушбу кетма-кетликни ЖКнинг 2-моддасида кўрсатилган тизим бўйича амалга оширади;

2) жиноятнинг объекти сифатида фақат энг муҳим, қимматли ва давлат муҳофазасига муҳтож ижтимоий муносабатлар тан олинади.

Таъкидлаш лозимки, жиноят объекти деб тан олинган ижтимоий муносабатларнинг аксарияти умуминсоний қадриятлар, масалан, шахснинг жисмоний ва маънавий дахлсизлигига оид муносабатлар ва бошқаларни ўз ичига олади;

3) жиноят объекти моддий аҳамиятга эга бўлмаган ижтимоий категория, яъни жиноят объектини жиноят предметидан фарқлаш имконини берувчи мезон ҳисобланади;

4) жиноят объектига таъсир этиш механизми шундан иборатки, жиноят содир этишда жиноят объекти сифатида ижтимоий муносабатлар тугатилмайди, йўқолмайди, балки фақат бузилади. Масалан, одам қотиллик, ҳатто, аффект ҳолатидаги қотиллик натижасида ҳам ўлиши мумкин, лекин жиноят объекти сифатида (инсон ҳаётини таъминловчи ижтимоий муносабатлар) ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бинобарин, жиноят объектининг (ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида) субъекти жамиятнинг ҳар бир аъзосидир.

Муаллифнинг фикрига кўра, объектни таҳлил қилиш кўплаб саволларга жавоб беришга имкон беради. Жиноят кодексининг бўлимлар, боблар, моддалардан ташкил топиши жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг устуворлиги тартибида объектлар бўйича жиноятларнинг тақсимланишидан бошқа нарса эмаслиги тасодиф эмас. Жиноят объектини аниқлаш аҳамияти ва устуворлигининг исботи сифатида, масалан, Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида мустақил жиноят таркиби ёки муайян ижтимоий хавфли қилмишларнинг квалификация қилувчи белгиси сифатида учрайдиган соғлиққа зарар етказилишини келтириб ўтиш мумкин. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятларда (масалан, ЖКнинг 111, 112-моддалари) соғлиққа зарар етказилади (ёки зарар етказиш хавфи вужудга келади), номусга тегишда (ЖКнинг 118-моддаси), босқинчиликда (ЖКнинг 164-моддаси), оммавий тартибсизликларда (ЖКнинг 244-моддаси) ва бошқа жиноятларда соғлиққа зарар етказилиши мумкин. Бироқ, фақат жиноят объектини диққат билан таҳлил қилгандан сўнг, яъни соғлиққа нима сабабдан ва қандай ҳолатларда зарар етказилаётганлигини ёки уни келтириб чиқариш хавфи яратилганлигини ўрганган ҳолда аниқ жиноятнинг якуний квалификацияси ва уни ўхшаш жиноятлардан фарқлаш бўйича тўғри хулосалар чиқариш мумкин.

Жиноятни квалификация қилишда жиноятнинг объекти қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

биринчидан, жиноят таркибининг юридик таҳлилини амалга оширишда, шунингдек жиноятларни квалификация қилишда жиноят объекти жиноят-ҳуқуқий элементлар “тўртлиги” орасида етакчи ҳисобланади;

иккинчидан, жиноят объекти жиноят квалификацияси давомида ўхшаш жиноятларни фарқлашда муҳим аҳамият касб этади, яъни у жиноий қилмишларни фарқлаш учун асос бўлади (масалан, ЖКнинг 97-моддаси бўйича қасддан одам ўлдириш ва ЖКнинг 104-моддаси 3 қисми “д” банди бўйича жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш ёки ЖКнинг 104, 105, 109-моддалари ва ЖКнинг 277, 283,

285-моддалари);

учинчидан, ЖКнинг Махсус қисмини бўлим ва бобларга бўлиш орқали тизимлаштиришга имкон беради. Масалан, “Шахсга қарши жиноятлар” бўлими 7 та бобдан иборат;

тўртинчидан, жиноятнинг объекти жиноятларни жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлмаган бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш имконини беради. Жиноятнинг умумий объекти бошқа ҳуқуқбузарлик объектига нисбатан кенгроқ бўлиб, у давлат хавфсизлиги асослари, инсон ҳаёти ва соғлиғини ва бошқаларни ўз ичига олиб, фақат жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган объектларни қамраб олади. Бир хил турдаги ижтимоий муносабатлар турли ҳуқуқ тармоқлари томонидан муҳофаза этилиши, ҳимоя қилиниши мумкин. Масалан, мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, жиноят ҳуқуқи нормаларидан ташқари, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ҳам ҳимоя қилинади (МЖТКнинг оз миқдорда талон-торож қилиш тўғрисидаги 61-моддаси, ЖКнинг 164-169-моддалари). Жиноят қонуни ижтимоий муносабатларни фақат уларга нисбатан жиддий тажовуз қилингандагина ҳимоя қилади. Шу билан бирга, жиноят объекти маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига нисбатан кўпроқ ижтимоий аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Жиноятларни жиноят объекти хусусиятларига кўра квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари”** номли иккинчи бобида тажовуз объекти шахсга, тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларни квалификация қилиш, иқтисодиёт ва экология соҳасидаги жиноятларни, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларни жиноий-ҳуқуқий баҳолаш, шунингдек, тажовуз объекти бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни квалификация қилиш масалалари таҳлил қилинган.

Ушбу бобда муаллиф жиноятларнинг айрим элементларини квалификация қилиш билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиққан ва хулосаларни умумлаштирган.

Диссертацияда ЖКнинг амалдаги таҳририда объектни аниқлашда айрим камчиликлар мавжудлиги кўрсатилган.

Жумладан, ЖКнинг 97-моддасида қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унинг мазмуни қасддан одам ўлдириш эмас, балки бошқа шахсни қасддан ўлдириш ҳисобланади.

Қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни белгиловчи хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий мамлакатлар ЖКда бу соҳада етарли нормалар мавжуд, уларнинг ютуқларидан самарали фойдаланиш, амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уларни доимий равишда такомиллаштириш зарур.

Шахсга қарши жиноятларни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф жиноятларнинг кўплаб таркиблари икки объектга эга эканлигини таъкидлайди. Масалан, одам савдоси жинояти. Жиноятнинг асосий объекти – шахснинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати билан боғлиқ ижтимоий

муносабатлар билан бир қаторда, шунингдек, қўшимча объект сифатида қуйидагилар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам мавжуд:

бошқарув тартиби билан боғлиқ – хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда (ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг “ж” банди);

Давлат чегарасининг муҳофазаси билан боғлиқ – жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда (ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг “з” банди);

соғлиқ билан боғлиқ – киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантация) мақсадида содир этилган бўлса (ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг “к” банди);

ҳаёт билан боғлиқ – жабрланувчининг ўлимида (ЖК 135-моддаси учинчи қисмининг “б” банди).

Ушбу бобда муаллиф ЖК Махсус қисмининг моддаларида жиноят таркибини аниқлашнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Диссертантнинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида, иқтисодий соҳасидаги ижтимоий хавфли қилмишларни квалификация қилишда баъзан тажовузларни фарқлашда қийинчиликлар юзага келади. Бунинг сабаби шундаки, турли жиноят таркиблари улар учун бир қатор умумий хусусиятларнинг мавжудлиги ва бошқа томондан, уларни бири-биридан фарқлаш имконини берувчи ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади. Бундай жиноятлар, одатда, жиноят ҳуқуқи доктринасида жиноятларнинг ўхшаш таркибларга эга жиноятлар деб юритилади.

ЖК Махсус қисмининг Х бобида назарда тутилган нормаларни аниқ ва тўғри қўллаш учун ушбу бобда мавжуд ўхшаш таркибли жиноятларни фарқлаш имконини берувчи белгиларни аниқ белгилаш лозим. Шубҳасиз, кўриб чиқиладиган жиноятларнинг белгиларини бошқа ижтимоий хавфли қилмиш белгиларидан фарқлаш қилмишни тўғри квалификация қилишнинг шarti ҳисобланади.

Ўз навбатида, мол-мулкни баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунини ҳисобга олиш зарур бўлиб, унда баҳолаш объектларига қуйидагилар киради:

алоҳида моддий объектлар (ашёлар);

шахснинг мол-мулкни ташкил этувчи ашёлар мажмуи, шу жумладан, муайян турдаги (кўчар ёки кўчмас) мол-мулк;

мол-мулкка ёки мол-мулк таркибидаги айрим ашёларга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар;

талаб қилиш ҳуқуқлари, мажбуриятлари (қарзлар);

ишлар, хизматлар, ахборот;

интеллектуал мулк объектлари ва қонунчиликка фуқаролик муомаласида бўлиши мумкинлиги белгиланган бошқа фуқаролик ҳуқуқлари объектлари¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги 811–I-сон “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

27 декабрдаги 27-сон “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ижро этишга оид қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, ҳукмда суд харажатлари миқдорини аниқлаш ва уларни тақсимлаш масаласи ҳал этилиши лозим.

Муаллифнинг қайд этишича, мулкий муносабатларни муҳофаза қилишда жисмоний шахслар мулкининг устуворлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган барча мулк шакллари химоя қилишнинг тенглиги тамойилига мос келмайди. Бундан ташқари, юридик шахснинг мулкига нисбатан жиноий тажовуз содир этилганда, у кўпинча уларнинг молиявий аҳволининг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келади, баъзида корхона, муассаса ёки ташкилотнинг мавжудлигига таҳдид солади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, муаллифнинг фикрича, *бировнинг мулкни талон-тороғ қилишнинг айрим шакллари оғирлаштирувчи хусусияти – анча миқдорда зарар етказишни нафақат фуқароларга, балки юридик шахслар мулкига ҳам татбиқ этиши* мақсадга мувофиқдир.

Диссертацияда айрим жиноятларни квалификация қилишда объектни аниқлаш муҳимлиги кўрсатилган. Жумладан, экология соҳасидаги жиноятларни квалификация қилишда қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

– жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектнинг химоя даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар келтирилган;

– экология соҳасидаги барча жиноятлар моддий таркибли жиноятлар ҳисобланади, яъни ижтимоий муносабатларга етказилган реал зарарнинг мавжудлиги талаб этилади;

– асосий зарар: одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар.

Муаллиф ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларнинг объектни кўриб чиқиб, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бир қатор омиллар билан белгиланишини қайд этган. Муаллиф буни оммавий тартибсизликлар мисолида кўриб чиқишни таклиф қилади. *Биринчидан*, назоратсиз оломоннинг мавжудлиги муайян ҳудудда ёки одамлар яшайдиган минтақада сезиларли психологик зиддиятларни келтириб чиқаради. *Иккинчидан*, оломон хулқ-атворига хос бўлган назоратсизлик мулкка оммавий зарар етказиш ёки уларни нобуд қилиш, кўплаб одамлар баданига шикаст етказиш ва одамлар ўлими, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти, транспорт ва бошқа жамият фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган фаолият турларининг бузилиши билан боғлиқ. *Учинчидан*, жамиятда оммавий тартибсизликларнинг кескинлашуви иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва психологик беқарорликнинг кучайишига олиб келади.

Муаллиф фуқаролик айланмаси чекланган буюмларни ёки ўз-ўзидан

мамлакат иқтисодиётига жиддий зиён етказадиган товар-моддий қимматликларни божхона чегарасидан ноқонуний ўтказиш эркин фуқаролик муомаласида бўлган товарларни ноқонуний ўтказишга нисбатан ижтимоий хавфи юқорироқ ҳисобланишини таъкидлаб ўтган. Бироқ ҳозир амалда бундай ҳолатларнинг барчаси ЖКнинг 182-моддаси билан квалификация қилинмоқда. Бу, албатта, қонунчиликдаги камчиликлар билан боғлиқ.

Диссертацияда объектнинг ҳарбий жиноятларни квалификация қилишга таъсири таҳлил қилинган. Хусусан, ҳарбий жиноятларни тажовуз объектига кўра квалификация қилиш изчил, босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Биринчи босқичда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноят содир этилганлиги ёки ҳарбий интизом бузилганлиги, иккинчи босқичда – жиноятларнинг ЖК Махсус қисмининг еттинчи бўлимига тегишлилиги, учинчи босқичда – ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар гуруҳи ва тўртинчи босқичда – уларнинг тури, бешинчи босқичда эса – ижтимоий хавфли ҳарбий жиноятнинг бевосита объекти аниқланади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Жиноят-ҳуқуқий муҳофазанинг бир неча объекти мавжуд бўлганда жиноятларни тажовуз объекти бўйича квалификация қилиш”** деб номланиб, унда кўп объектли жиноятларни квалификация қилиш масалалари, шунингдек, жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш масалалари очиқ берилган.

Диссертацияда рақобат ва коллизия турли тушунчалар эканлиги кўрсатилган. Жиноят ҳуқуқида рақобат – бу ҳуқуқий баҳолашни талаб қиладиган фактик ҳолатларни бир вақтнинг ўзида бир хилда назарда тутадиган икки ёки ундан ортиқ нормаларнинг мавжудлигидир. Унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир: муайян ҳуқуқни қўллаш шароитида пайдо бўлиши, рақобатлашаётган нормаларнинг ўзаро алмашилиши ва бир хил ижтимоий муносабатларни ҳал қилишининг инobatга олиниши.

Рақобатдан фарқли ўлароқ коллизия қонунчиликнинг муайян ҳолатини тавсифлайди, бир хил ижтимоий муносабатларни тартибга солишга мўлжалланган нормалар ўртасидаги тафовутни ифодалайди, уни аниқлаш баҳолашни талаб қилувчи аниқ далилларга боғлиқ эмас. Коллизия ва рақобат амалда бир вақтнинг ўзида бир неча зиддиятли нормаларни қўллаш учун ишлатилади. Шу билан бирга улардан бирини танлаш уларнинг рақобатини енгишни ўз ичига олади.

Муаллифнинг фикрига кўра, икки объектли ва кўп объектли жиноятлар тажовуз икки ёки ундан ортиқ бевосита объектларга нисбатан амалга оширилиши билан тавсифланади. Баъзан икки ёки кўп объектли жиноятлар таркибли жиноятлар билан мос келиши мумкин. Бироқ, икки объектли ва кўп объектли жиноятлар мутлақо мустақил маънога эга бўлиши мумкин. “Соф” икки объектли жиноятнинг намунаси жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ҳисобланади (ЖКнинг 171-моддаси, асосий объект – битимлар билан боғлиқ иқтисодий фаолият соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, қўшимча объект – жиноий таъқиб функциясини амалга ошириш учун дастлабки тергов ва суриштирув органларининг нормал фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар). Икки

объектли жиноятнинг анъанавий мисоли босқинчилик бўлиб, унда бир объект – инсоннинг соғлиғи, иккинчиси – унинг мол-мулки ҳисобланади. Юридик шахсга нисбатан босқинчилик истисно этилади. Барча ҳолларда тажовуз юридик шахс вакили бўлган жисмоний шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Диссертацияда квалификация таҳлилидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкинлиги кўрсатилган:

1. Жиноят содир этиш усуллари ва вазифаларини бажарувчи жиноятлар ягона мураккаб жиноятларнинг таркибий қисми бўлиб, асосий жиноят билан жиноятлар мажмуи бўлмаган ҳолда квалификация қилинади.

2. Жиноят, агар оғирлиги бўйича асосий жиноятдан паст бўлса, усул сифатида тан олинади. Агар у асосий жиноятга тенг ва ундан ҳам юқори тоифага тегишли бўлса, жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

3. Жиноятнинг “жиноят-усул” турига мансублигини аниқлашда унинг қонунчилик таҳририга эътибор бериш муҳимдир. Масалан, “зўравонлик”, “инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўравонлик”, “ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган зўравонлик”.

4. Жиноятлар-усуллар жиноятлар таркибининг мажбурий элементлари сифатида кўрсатилмаслиги мумкин, аммо улар мазмунан шундай ҳисобланади ва шунинг учун мураккаб ягона жиноятнинг таркибига киради ва жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилишни талаб қилмайди. Бу, биринчи навбатда, икки шарт мавжуд бўлганда хизмат ваколатларидан фойдаланиш каби хусусиятга тегишлидир: объектнинг бирлиги (турдош ва бевосита) ва асосий жиноятга нисбатан қуйи тоифадаги жиноятларга мансублик. Ушбу шартларга риоя қилмаслик жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилишга олиб келади.

Одатда, қўшимча объект ушбу жиноятнинг асосий объектига нисбатан ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан камроқ ижтимоий аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, ижтимоий хавfli қилмишларни содир этишда жиноят-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза қилинадиган турли объектларга нисбатан амалда энг катта зарар етказилган объект устунлик қилади. Шу билан бирга, жиноий ҳаракатлар ягона мақсад билан қамраб олинмаслиги ва турли вақтларда содир этилиши мумкин. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари турли вақтларда содир этилган бўлса ҳам, қилмишлар жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Умуман олганда, жиноятлар мажмуи бўйича жиноий қилмишларни квалификация қилиш муаммоси фақат жиноий тажовуз объекти нуқтаи назаридан ҳал қилиниши мумкин.

Суд-тергов амалиётида жиноят-ҳуқуқий нормаларининг рақобатида жиноятларни квалификация қилиш жараёнида хатоларга йўл қўйилмоқда. Шунинг учун муаллиф томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида жиноятлар квалификацияси бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш зарурлиги тўғрисида хулоса асослаб берилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий-назарий хулосалар, амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Жиноят ҳуқуқи назариясини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар.

1. Қуйидаги тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

жиноят объекти – ижтимоий муносабат ёки унинг қисми бўлиб, унга ижтимоий хавfli тусга эга жиноий қилмиш тажовузи натижасида зарар етказилади ёки ҳақиқий зарар етказилиши таҳдиди вужудга келади;

жиноят предмети – бу жиноят содир этилиши қаратилган ёки боғлиқ моддий ва номоддий қадриятлар ва неъматлар, шу жумладан, жиноят объектига тажовузни содир этишда айбдор бўлган шахс томонидан хизмат кўрсатиш ёки мулкий тусдаги ишларни бажариш;

